

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ВА ҲОЗИРГИ АДАБИЙ
ЖАРАЁН БЎЛИМИ**

**“ХУРШИД ДАВРОН ИЖОДИНИНГ
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АҲАМИЯТИ”**

мавзусидаги 2022 йил 19 январь куни бўлиб ўтган

республика илмий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

Тошкент 2022

КИЧИК ШЕЪРИЙ ШАКЛЛАРДА ҲАЁТ НАФАСИ

Гулжаҳон ДОШАНОВА,
Қорақалпоқ давлат университети
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада замонавий ўзбек шоирлари ижодида кичик шеърий шакллар ҳамда уларда ҳаёт нафаси тасвирлари, шоирларнинг кичик ва ихчам шеърий шаклларда ўзига хос мавзуларни бадий талқин қилиш маҳорати масалалари қиёсий таҳлил қилинади.

КАЛИТ СЎЗЛАР: кичик шеърий шакллар, тўртлик, учлик, байт, туюк

Дунё адабиётида, хусусан, шеърий асарлар шакл ва мазмунига кўра жанрларга ажратилади. Одатда ҳар қандай шоир ўз қалбидаги ҳис-туйғулар мазмунини маълум бир шеърий шаклга солиб баён қилади. Жаҳон шеърияти тарихига эътибор берилса, айрим шеърий жанрлар маълум бир миллий характери-табиатига, жанр генезиси-келиб чиқишига кўра муайян бир миллат ёки худудга ҳам тегишли бўлади. Шу эътибордан шеърий жанрлар жуда улкан категория сифатида Шарқ ва Ғарбда яратилган шеърий жанрларга бўлиниши мумкин. Замонавий ўзбек шеъриятидаги кичик жанрлар негизини қайсидир маънода мумтоз шарқ шеъриятига бориб боғлаш ҳам ўринли бўлади. Зеро, замонавий ўзбек шеъриятида тўрт мисрадан иборат шакл – тўртлик кенг омалашган бўлиб, уни муаллифлар кўп ҳолларда “рубой” деб ҳам номлашади. Ҳолбуки, ўзбек мумтоз поэтикасида рубойга “шарқ мумтоз шеъриятида кенг тарқалган лирик жанр, ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам шажараларида ёзилиши”га урғу берилади. Демак, рубой мумтоз аруз вазнининг ҳазаж баҳрида бўлиши қатъий қоида саналади. Шунингдек, назарий китобларда рубойнинг қофияланиш тартибига кўра “а-а-б-а тарзида қофия” ланиши ҳам айтилади. Рубой форс ва араб шеъриятида кенг қўлланиладиган жанр саналиб, кейинчалик ўзбек мумтоз шоирлари ҳам бу жанрда кўплаб шеърлар ёзишди. Шу билан бирга рубой генезисини баъзи

адабиётшунос олимлар туркий халқлар оғзаки ижодида мавжуд бўлган тўртликлар билан ҳам боғлашади. Табиийки, Махмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит турк” асарида жамланган кўплаб халқ кўшиқлари тўрт мисрадан иборат экани айтилиши фикр учун асос бўлади.

Агар замонавий кичик шеър жанр намунаси бўлган шеър ҳазаж бахрининг ахрам ва ахраб шажараларида ёзилмаган бўлса, уни тўртлик деб аташ ўринлидир. Адабиётшунос Ёқубжон Исҳоқов ўзбек адабиёти тарихида энг кўп рубоий ёзган шоир сифатида Алишер Навоийни кўрсатади²⁴ ва бу хусусда ёзади: “Бирор тўртликни рубоий деб аташ учун унда тугал мазмун, рубоий шакли бўлишидан ташқари, рубоий вазни ҳам бўлиши керак. Тўртлик қанчалик чуқур маъно ва гўзал шаклга эга бўлмасин, агар у рубоийнинг махсус вазнига тушмаса, рубоий бўла олмайди”. Дарвоқе, айрим мумтоз рубоийларнинг ҳар тўрт мисраси ҳам қофияланган бўлиши мумкин. Уни “таронаи рубоий” деб аташ урфга кирган. Алишер Навоийнинг:

“Кўнглумни ғаму дард ила қон айлади ишқ,
Кўз йўлидин ул қонни равон айлади ишқ.
Ҳар қатрани билмадим қайн айлади ишқ,
Бедил эканим буйла аён айлади ишқ”

деган рубоийси юқоридаги фикр учун мисол бўлади. Қолаверса, мумтоз шоирлар ижодидаги кичик жанрлар ўз фазилатлари, мазмуний теранлиги билан шеърят мухлислари диққатини ўзга жалб этади. Уларни ёд олиш ҳам кўпинча осон кечади.

Нима бўлганида ҳам замонавий ўзбек шеъриятидаги тўртликлар қайсидир маънода шарқ шеъриятидаги ана шундай шаклларга бориб боғланади. Шоирлар ўз ўтмишда ўтган устоз шоирлар ижодига ҳавас қилган ҳолда ўз тўртликларини “рубоий” деб номлаётгани шундан далолат беради. Шу ўринда шарқ шеъриятидаги яна бир кичик жанр хусусида фикр юритиш

²⁴ Ёқубжон Исҳоқов. Сўз санъати сўзлиги. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти. 2014 йил. 154-бет.

ўринли бўлади. “Туюк” деб номланган бу шеърий шаклга ўзбек адабиётшунослигида луғавий томондан “туймоқ, хис этмоқ” деган маъноларга эгаллигини таъкиллаш билан бирга “туркий халқлар шеъриятидаги тўрт мисралик, тажнисли қофияга асосланган, рамали мусаддаси максур вазнида ёзиладиган лирик жанр. Туюклар, кўпинча, а-а-б-а тарзида қофияланади, шунингдек, а-а-а-а ёки а-б-в-б тарзида қофияланган кўринишлари ҳам мавжуд”, деб таъриф берилди²⁵. Туюкнинг келиб чиқишини ҳам халқ оғзаки ижоди билан боғлаш бор. Кейинчалик бу мумтоз шеърий шаклдан Лутфий, Навоий, Бобур, Убайдий, Огаҳий каби қатор шоирлар кенг фойдаланишган. Дарҳақиқат туюкда омоним сўзлар қўлланилиши ва махсус аруз вазнида бўлиш шарт саналади. Табиийки, бундай шеърни ёзиш учун шоир улкан истеъдод эгаси бўлмоғи лозим. Гарчанд аруз вазнига тушмаса ҳам айрим замонавий ўзбек шоирлари ижодида туюкка ўхшаш тўртликлар борлигини инкор этиб бўлмайди. Ғамларни ўзга “дўсту ёр” деб билган истеъдодли шоир Рауф Парфи кўплаб тўртликлар ёзди. Унинг тўрт мисрадан иборат:

“Йўқ, шоир деб қарама атай,
Хукм этмакка шошилма бир оз.
Мен куйиниб севаман, нетай?
Мен куйиниб сўзлайман, холос”²⁶,

деган шеъри барча давр шоирлари табиатига қайсидир жиҳатдан мос келади.

Замонавий ўзбек шоирлари орасида Сирожидин Саййид ўз тўртликларининг ҳар жиҳатдан пухта-пишиқлиги билан ажралиб туради. Шоирнинг ўзи айна шеърий шаклга эҳтиёж туғилганлиги тўғрисида шундай ёзади: “Бу тўртликларни мен осмондан олиб ёзмадим. Болаликда, раҳматли момомдан кўп эшитганим, янгаларимга айтадиган “Қилиқнинг иссиғи -

²⁵ Д.Қурононов ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. Тошкент. “Академнашр” нашриёти. 2010 йил. 336-бет.

²⁶ Рауф Парфи. Сайланма. Тошкент. “Академнашр” нашриёти. 2013 йил, 31-бет.

бахтнинг исириғи” ёки “Аёл - эркакнинг вазири” деган гаплардан тортиб то хозирга қадар, Тошканинг Эски жўва бозорида “Дўмбокқина хандалаклардан олиб кетинг” деган опахоннинг сўзларигача - ҳаммаси ўзимга таниш, кадрли, кўнглимга, хаётимга дахлдор кечинмалардир.

Уларда номлар, исмлар бор: улуғ зотларнинг, устозларимизнинг номлари, яна бошқа номлар. Тилга олиш баҳонасида мен бу зотлар олдидаги узиб бўлмас қарзимни назарда тутганман. “Ўчоқдаги ўт бошқаю юракдаги ўт бошқа” деганларидек, бу ёзганларим - балки менинг яна бир уринишим, кўнгилга томон яна бир чоғланишимдир. Ёзилмаган катта шеърларнинг парчаларидир, балки кунларим, тунларимнинг бўлақларидир. Билмайман. Нима бўлганда ҳам бошимдан, кўнглимдан кечирдим шуларни”²⁷. Шоирнинг “ёзилмаган катта шеърларимнинг парчаларидир” деган иқрорида ҳам улкан маъно бор. Барча ижод намуналари шоир умрининг бўлаги – тунлари ва кунларида бошидан кечирган туйғулари саналади.

Аслида рубоий, тўртлик, туюқ, учлик, иккилик деб номланган шеърлий шакллар замонавий ўзбек шоирлари ижодида кўп қўлланади. Замона шоирлари ўзлари ёзган кичик жанрдаги шеърлий шаклларга баъзан мисралар сонидан келиб чиққан ҳолда, баъзан мумтоз шеърят анъаналарига мос равишда жанрини белгилаш ҳолатлари кузатилади.

Мумтоз адабиётда ҳар бир банди уч мисрадан таркиб топган шеърлий шаклга “мусаммаат”, яъни учлик дейилади. Фақат уч мисрадангина иборат бўлган шеърлий шакл ҳам замонавий ўзбек шеърлятида “учлик” номи билан юритилади. Бу табиийки бир томондан мумтоз шоирлар ижодида мавжуд бўлган шаклнинг узвий давомидир. Иккинчи томондан қаралганда дунё адабиётида мавжуд бўлган уч мисрадан иборат бўлган “хайку” жанрига тақаш ҳам ўзбек шоирлари ижодидаги кичик жанрлар пайдо бўлишига жаҳон шеърляти, хусусан, япон шоирларидан қилинган таржималар таъсир

²⁷ Сирожидди Саййид. Кўнгил соҳили. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент. 2004 йил, 6-бет

кўрсатганини тахмин қилиш мумкин. Учликларни Р.Парфи, А.Обиджон, Фариди Афрўз ва бошқа шоирлар ижодида учратиш мумкин.

Истеъдодли шоир Анвар Обиджоннинг учликлари адабиётшунослар эътиборига тушди.

“Оч ётганга емак бер...
Ҳеч бўлмаса кўмак бер –
Суяб элт бир Ҳотамга”.

Бу учликда инсонпарварлик ғояси илгари сурилган бўлиб, сахийликда барчага маълум ва машхур Ҳотами Той эсга олинади ва мумтоз поэтик санъат воситасида шоир ўз тушунчаларини кучайтириб тақдим этади.

“Қурук “шов-шув” кўп асар
Гўлнинг хуморин босар,
Бувак сўрган сўргичдек”²⁸.

Ушбу учликдаги шоирнинг ҳикматини алоҳида топилдиқ сифатида баҳолаш ўринли бўлади. Биринчидан, жуда содда ва тушунарли, иккинчидан, бадий асарни, шеърни ёки бирор романни тушуниш, англаш жараёнига тегишли бу фалсафа шоирнинг адабий-эстетик қарашларини ҳам намоён қилади. Чуник баъзи асарлар қурукдан-қурук шов-шув билан кўтар-кўтар қилинади. Аммо моҳиятида деярлик мақташга арзигулик бирор фикр-мулоҳаза, образ ёки тасвирий ифодалар бўлмайди. Шоир бу тоифадаги асарларни, бунга ўхшаган ижод намуналарини чакалокнинг оғзига тутқазилган сўргичга ўхшатади. Қурук алдаш ва ҳақиқат чекиниш ходисасини Анвар Обиджон шундай ихчам ва жуда маънили баён қилади.

Дарҳақиқат, Анвар Обиджоннинг бундай бадиият билан йўғирилган учликлари ўзбек шеърлятида алоҳида ходиса бўлди.

²⁸ https://hamroh.ucoz.ru/news/anvar_obidzhon_sherlar/2014-12-13-65

Тадқиқот объекти бўлган Фарида Афрӯз учликларининг мавзу кўлами кенглиги билан ажралиб туради. Зеро, одатда учликларда ҳикматлар, баъзан афористик руҳ устиворлик қилади. Учлик шеърий шаклда ижод қилган бошқа шоирлардан фаркли ўлароқ Фарида Афрӯз учликларида ишқ-муҳаббат изҳорлари, армонлари ўз ифодасини топгани кузатилади:

“Мен сени алдадим:
“Севмайман!” дедим.
Ўзимга кучим етмади”

Бошқа бир саҳифада шоиранинг лирик қаҳрамони ўз ошиқига таъкидлаб шундай дейди:

“Мени кечир,
Сен учун яшагим келди.
Ўзим учун яшай билмадим”²⁹.

Шу билан бирга шоира илгари сураётган ишқий тезислар, оилавий муҳит тўғрисидаги тушунчалари одамни ўйлашга ҳам чорлайди.

“Улар бирга яшайдилар, тўқ,
Сизлайдилар бир-бировларин.
Ҳар неси бор, севгидан бошқа”

Инсон учун, оилавий муҳит учун, икки қалб эгасининг тўлақонли ҳаёт тарзи учун албатта муҳаббат муҳим. Шоира шундай жуфтликлардан бири, шундай оила турмуш тарзига назар солади ва унинг тасаввурида бу бой-бадавлат оилада, ҳурмат-эҳтиром бор, улар бир бирларига “сиз-сизлаб” мурожат қилинади ҳам, ани дамда уларнинг қорни тўқ, камбағалик

²⁹ Фарида Афрӯз. Ушшоқ. Тошкент. “Шарк” нашриёти. 2004 йил. 123-бет.

нималигини билишмайди. Аммо улар орасида муҳаббат сезилмайди. Эҳтимол, ўқувчи шоирага эътироз ҳам билдириши мумкин. Бу оила вакиллари ўзлари ўртасидаги севгини кўз-кўз қилмас, ошкора қилмасалар керак, деган маънода.

Шоира “Ушшок” тўпламидаги учликлари туркуми учун иккита эпигар танлайди. Алишер Навоийдан олинган:

“На кун ўлғайким, нигорим келгай,
Боғи умримда баҳорим келгай”.

Улуғ шоирнинг ишқий мазмунли ушбу байтини шоира эпиграф қилиб олар экан, айна чоқда таниқли мумтоз шоир Муқимийга ҳам мурожат қилиб, унинг ҳам:

“Сақлай ишқинг токи жоним тандадир,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадир”.

деган машҳур байтини учликлари учун эпиграф сифатини танлайди³⁰. Кўриниб турганидек, мумтоз шоирларнинг кўнгил дардлари Фарида Афрўз учликларида қандайдир маънода мантикий равишда давом эттирилади. Уч мисрадан иборат бўлган шеърлар генезиси хусусида адабиётшунос Қахҳоржон Йўлчиев ўзининг бу йўналишдаги махсус тадқиқотида шундай хулосаларини баён қилади: “Уч мисрали мустақил шеърлар илдизи ўзбек халқ оғзаки ижоди, ўзбек мумтоз адабиётга бориб тақалади. Учликлар ана шу манбалардаги анъанавий шакллар ва замонавий шеърят ютуқлари асосида XX аср сўнги чорагида қатор шоирларнинг жиддий услубий изланишлари натижасида қайта ишланган жанрдир”³¹. Табиийки, учликлар ёзган Рауф

³⁰ Фарида Афрўз. Ушшок. Тошкент. “Шарк” нашриёти. 2004 йил. 103-бет.

³¹ Қахҳоржон Йўлчиев. “Типологик ўхшашликлар: бирлик ва учлик”. Тошкент. “Турон замин зиё” нашриёти. 2016 йил. 124-бет.

Парфи, Анвар Обиджон каторида ўша ижодий тажрибаларини ўз лабораториясида ўтказган Фариди Афрўз ҳам бор.

Ушбу мақоладаги фикр мулоҳазалардан хулоса қилиб қуйидагиларни баён этиш ўринли бўлади.

Биринчидан, умуман олганда замонавий ўзбек шоирларининг кичик ва ихчам шеърӣй шакллари ўзига хос мавзуларни бадиий талқин қилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Иккинчидан, замонавий тўртликларни мумтоз адабий жанр бўлган рубоӣй ёки туюк билан аралаштириб юбормасдан, уларни ўз номи билан “тўртлик” деб аташ ўринли бўлади.

Учинчидан, учликлар қайсидир маънода халқ оғзаки ижоди жанрлари бўлган топишмоқ ёки халқ кўшиклари негизида майдонга келганлигини, шу билан бирга, жаҳон шеърӣятида оммалашган “хайку”ларнинг ҳам қайсидир маънода таъсир борлигини таъкидлаш ўринли бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ёқубжон Исҳоқов. Сўз санъати сўзлиги. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти. 2014 йил. 154-бет.
2. Д. Куронов ва бошқалар. Адабиётшунослик лугати. Тошкент. “Академнашр” нашриёти. 2010 йил. 336-бет.
3. Рауф Парфи. Сайланма. Тошкент. “Академнашр” нашриёти. 2013 йил, 31-бет.
4. Сирожидди Саййид. Кўнгил соҳили. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент. 2004 йил, 6-бет
5. https://hamroh.ucoz.ru/news/anvar_obidzhon_sherlar/2014-12-13-65
6. Фариди Афрўз. Ушшоқ. Тошкент. “Шарқ” нашриёти. 2004 йил. 123-бет.
7. Қаххоржон Йўлчиев. “Типологик ўхшашликлар: бирлик ва учлик”. Тошкент. “Турон замин зиё” нашриёти. 2016 йил, 124-бет.

МУНДАРИЖА

Иброхим Ҳақкул “Кўрқок бўлсанг, кўрқок бўлар шеър...”	3
Шоира Ахмедова Хуршид Давроннинг адабий –эстетик қарашлари хусусида	10
Улуғбек Ҳамдамов 70 йиллар авлоди шеърляти: Хуршид Даврон	17
Махсуда Бердимуродова Мовий осмон, кўхна заминни қорачиққа жойлаган шоир.....	35
Саъдулло Қуроноф Хуршид Даврон ижодида лисоний визуал тасвир	41
Шахло Ҳусанова Хуршид Даврон дукчи эшон ҳақида	49
Бегали Мўминов Хуршид Даврон ижодида тарих концепцияси	55
Олтиной Қурбонова Шоир ва мунаққид муносабатларига оид мулоҳазалар.....	65
Муъйба Отамуратова Xurshid Davron – she’rlari osmon shoir	70
Marhabo Qoraboyeva Xurshid Davron ijodida tarix mavzusi	75
Дилноза Нусратиллоева Хуршид Даврон шеърлятида тилдан фойдаланиш махорати	80
Дилноза Нусратиллоева Мозийлардан садо келганда	86
Фарида Ҳусанова Хуршид Даврон шеърлярида ватанпарварлик ва озодлик оҳангларининг айрим халқона лингвопозетик талқини	90
Navruza Jasurova Xurshid Davron dramaturgiyasi va uning o‘ziga xos xususiyatlari (“Alg‘ul” dramasi misolida)	96
Holmurodjon Obidjonov Xurshid Davron ijodi jahon nigohida	101
Faxriyabonu Homidova Vatan tuyg‘usi qalblarda	108
Sabina Berdiyeva Hikoyada tarixiy shaxs obrazi tasviri	114

II БЎЛИМ

Сувон Мели Бошдин аёғигача шоир	120
Манзура Отажанова Усмон Азимнинг насрий ижодида “Алпомиш” достони мотивлари	127
Гулжаҳон Дошанова Кичик шеърлий шаклларда ҳаёт нафаси	133
Oybek Normurodov Sayyid Qosimiyning “Ilohiynoma” dostoni bosh g‘oyasi	141
Hulkar G‘aipova, Mashhura Ortiqova Shoir publitsistikasida muammoli maqola.....	147
Муҳаммадамин Ғаниев Тарихий романда сюжет қурилиши	155
Муҳаммадамин Ғаниев Ўзбек адабиётида амир темур образи талқини....	164
Жавлон Жовлиев Шайхзоданинг фожа жанридаги асарлари қўлёзмаларининг тадқиқи	173